

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
И.МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ**

**Ф. МУҲИТДИНОВ**

**БОЗОР ВА ҲУҚУҚ**

**АДАМ СМИТ ВА ИММАНУИЛ КАНТ:**

**НАЗАРИЙ ҒОЯ ВА ҚАРАШЛАР**

**МУШТАРАКЛИГИ**

**ТОШКЕНТ-2005**

67.404 Фукзаро ва савдо ҳуқуқи.

87 Философия

Философия ик фанлари номзоди **Ф.Мухитдинов**. Бозор  
Мвалиф: юридик Иммануил Кант: назарий гоя ва қарашлар  
муштараклиги. –Тошкент: И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқук  
институти нашриёт бўлими, 2005 йил, 40 бет

Мазкур рисолада илк бор замонавий Ғ арб тамаддунининг  
ривожига катта ҳисса қўшган иқтисодий назариянинг асосчиларидан  
бири Адам Смит ҳамда немис мумтоз фалсафаси асосчиларидан  
Иммануил Кант ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий таълимотларининг  
фалсафий ва муштарак жиҳатлари таҳлил этилади. Уларнинг иқтисодий-  
ҳуқуқий қарашлари асосида мамлакатимизда қарор топаётган бозор  
муносабатларининг моҳияти ва мазмунини англашга ҳаракат қилинади.

Рисола ҳуқуқшунослар, файласуфлар ва иқтисодчилар,  
шунингдек, ҳуқуқий, иқтисодий ва фалсафий таълимотлар билан  
қизиқувчи ўқувчиларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррар:**

Юридик фанлари доктори Р.Ж.Рўзиев

**Тақризчилар:**

юридик фанлари доктори, профессор **Ғ.А.Абдумажидов**  
фалсафа фанлари доктори, профессор **Р.Н.Носиров**.


**Нашр учун масъул:**

юридик фанлари номзоди  
**Н.Ҳайдаров**

10 31922  
0

© ЎзР ФА И.Мўминов номидаги

фалсафа ва ҳуқук институти



## КИРИШ

Инсоният XXI асрга илм-фан юксак тараққиётга эришган ҳолда етиб келди. Бироқ, инсоният ҳанузгача ўзининг ким эканлиги ва бу табиат уммонида қандай ўрин тутиши билан боғлиқ саволларга жавоб излаб келади. Зеро, инсоннинг ўзи соф биологик нуктаи назардан қанчалик жумбоқ бўлса, унинг ҳаёти, турмуши, ўй-фикри, тафаккури ҳам ўзи учун шунчалик жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Инсон барча наботат оламини, яъни бутун табиатни ўзига бўйсундириш учун бел боғлаган. Табиат билан доимий кураш инсон меҳнат фаолиятининг такомиллашувига, бу эса ўз навбатида унинг турмуши ривожланишига туртки берган бирламчи омиллардан бўлиб ҳисобланса-да, аммо у инсондек улуғ номга ҳос мавқени англаш ва ўзига мос ўринни эгаллаш борасида ҳамон муаммоларга дуч келади. Эҳтимол, бу муаммоларни ҳал этиш инсон тафаккури ишлаб чиққан назарий ҳулюса ва натижаларга етарли эътибор бермаслик билан ёхуд бу назарий таълимотларнинг ҳаддан ташқари илмийлиги ва ақлнинг чегарасиз, етиб бўлмас орзуларининг мавҳумлиги билан изоҳланар. Шунга қарамай, инсон ўз муаммолари ечимини табиатдан, инсонларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларидан излаб келди. Бироқ, Шарқ маданиятининг бевосита таъсири остида Ўрта асрларда Фарб Европасида юз берган маънавий-маданий уйғонини ва ушбу уйғонишнинг «маърифат» деб аталувчи даврида, инсон муаммоларининг марказидан инсоннинг ўзини ўзи табиий ҳолатида англаш таълимоти қатъий ўрин олди.

Ҳозирги пайтда кишилар муомиласида тез-тез қўлланиладиган «Фарбча турмуш», «Фарб маданияти», «Фарб анъаналари» каби илмий иборалар, аслида чуқур ва кенг мушоҳадага, ҳамда фалсафага эга бўлган тушунчалардир. Бу тушунчалар Ўрта асрларда бойлик орттириш мақсадларида жуда кўплаб инсонларнинг қурбон бўлишига сабабчи эди. Доим юз бериб турувчи адолатсиз урушлар, диний-ақидавий таълимотнинг босими, инквизиция азиятларига нисбатан жамиятнинг илғор кишиларининг эътирозлари сифатида баралла янраган эди. Бу кишилар тасавурида инсон табиатидан келиб чиқувчи бойликка интилишдек эгоистик хирсни фойдасиз урушлар, инсон ғурурини таҳқирловчи, унинг эркини исканжага олувчи хагги-ҳаракатлар ўрнини, инсоният ўз ижтимоий ҳаёти давомида тўплаган маданий-тарихий бойликлар ёрдамида тўғри изга солиши мумкин эди. Уларнинг фикрича, инсонлардаги мазкур соф табиий қусурни инсониятнинг ақлий асосга эга бўлган маънавий бойлигини, унинг тафаккурини юксалтириш орқалигина енгиш мумкин эди. Ушбу мурожаатлар нафақат якка

индивид - инсонга, балки инсонларнинг ижтимоий ҳаётларини бошқарувчи ҳокимиятга ҳам қаратилганди.

Мана шу гоёга бўлган қаттиқ ишонч инсониятнинг илғор кишиларига ўша даврдаги ижтимоий адолатсизлик ва маънавий қашшоқликка нисбатан қақриқ тарзида ижтимоий-сиёсий майдонга чиқди. Ўз даврининг илғор кишиларидан бири – Шотландиянинг буюк фарзанди Адам Смит ҳисобланади. Смитнинг ҳаёти ва ижоди мураккаб даврга тўғри келди. Чунки, бир томондан Шотландия - Англиянинг шимолдаги чекка ўлкаси бўлиб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволда эди. Иккинчи томондан, илғор ташкиллашган ишлаб чиқариш, яъни капиталистик ишлаб чиқариш энди-энди шаклланаётган бўлиб, бунинг натижасида кишиларнинг ёлланма асосда меҳнат билан таъминланиши юз бераётган бўлса-да, бироқ асосий халқ оммаси ҳамон қашшоқ ҳаёт кечирарди. Булардан ташқари ҳукумат ва аҳолининг бой қатлами тафаккурида мамлакат иқтисодини ташкил этиш борасида «меркантил ёндошув» ҳамон кучли бўлиб, мамлакат бойлиги, аксар ҳолда, «мамлакат ташқарисида бўлган бозорларни ўз маҳсулотлари ёрдамида эгаллаш ва уларнинг олтинларини қўлга киритиш билан боғлиқ» деган ақидага асосланган эди. Албатта, меркантил ёндошув ва унинг танқидига асосланган физократик ақида, кейинчалик илмий равишда иқтисодий назариянинг вужудга келишига, иқтисодий тафаккурнинг ривожланишига олиб келди. Шунингдек, Смит кашф қилган иқтисодий назариянинг юзага келиши учун таҳлилий объект, материал сифатида хизмат қилди. Шу билан унинг қарашларини бир тизимга жамлашга катта таъсир этди, лекин қайд этилган таълимот иқтисодий муносабатларни яхлит тизимга бирлаштирувчи элементлар ва уларнинг хусусиятлари, иқтисодий муносабатларни юзага келишга сабаб бўлувчи омиллар ва уларни боғлаб турувчи қонуниятлар, иқтисодий тизимнинг моҳияти ҳақидаги билимларни ўзига бирлаштирмаган эди. Муҳими, Смитнинг фикрича, ушбу иқтисодий назария инсоннинг иқтисодий муносабатлардаги ўрни ҳамда иқтисодий муносабатларнинг инсон турмушига ва аксинча, инсоннинг иқтисодий муносабатларга бўлган таъсирини очиб бериши лозим эди.

Мазкур жиддий илмий-назарий муаммони ҳал этишда Смит методологик нуқтаи-назаридан асосли усулни, яъни моддий неъмат яратувчи инсон фаолиятига яхлит табиий ҳодиса сифатида қараш, уни ижтимоий тараққиёт билан узвий ҳолда таҳлил этиш йўлини танлади. Асосий иқтисодий омиллар: ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларини бир-бирига ўзаро боғлаб турувчи бирламчи звено - инсонга тегишли эканлигини таъкидлаган ҳолда, Смит мана шу муносабатларнинг вужудга келиши, кечиши ва тугатилишининг

табиатини очишга, уларнинг моҳиятини англашга интилди. Унинг фикрига кўра, инсоннинг иқтисодий фаолияти – меҳнат, пул, маҳсулотнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ ижтимоий ҳодисанинг моҳиятидан иборат бўлиб, жамиятнинг фаровонлиги – инсоннинг иқтисодий фаолиятига, яъни унинг табиатига хос эгоистик эҳтиёжларини кондиришга қай даражада имконият ёхуд шароит яратилганлигига қатъий боғлиқдир.

Смитнинг феноменологик асосга қурилган иқтисодий таълимоти бевосита икки мезонга таянади: **биринчидан**, инсон ўз табиий ҳолатига кўра – эгоистик хусусиятга эга, **иккинчидан**, инсон мана шу шахсий эгоистик мақсадларини эркин амалга ошира олиши лозим, деган ақидалардир. Шу сабабли, Смит илгари сурган «иқтисодий киши» ижтимоий ва шубҳасиз иқтисодий ҳодисанинг моҳияти тарзида, бу ҳодиса «эркинлик»дек субстанцияга эга. Ҳар қандай жамиятнинг, мамлакатнинг асл бойлиги – қуруқ пул ёхуд табиий бойлик эмас, балки мана шу бойликларни моддийлаштирувчи, истеъмол учун яратувчи инсоннинг эркинлигидир, деб ҳулоса қилади Смит. Айнан эркин «иқтисодий киши» худди занжир каби узвий боғлиқ муносабатларнинг марказидан қатъий ўрин олган тарзда, барча муносабатлар «иқтисодий киши» эркинлиги учун ҳизмат қилиши ва аксинча, эркинлик ижтимоий муносабатларни ташкил этиш учун ҳам хизмат қилиши лозим.

Мазкур қараплари туфайли Смит нафақат классик иқтисодий назария мактабининг асосчисига, балки у инглиз либерализмининг йирик намёнчасига ҳам айланди.

Адам Смит «иқтисодий киши»нинг муаммоларини ҳал этишда ҳокимиятнинг ёки бошқача айтганда, давлатнинг «меҳнат фаолиятига» аралашувини чеклаш зарурлигига урғу берди. Кишилар эркинлигини фақат жамиятнинг умумий манфаатлари йўлидагина чеклаш лозим, - деб таъкидлади у. Фарб тафаккурининг яна бир буюк вакили, файласуф Иммануил Кант эса эркинлик ва унинг чегарасига оид маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий муаммоларнинг фалсафий кирраларини чуқур таҳлиллар асосида очиб беришга уринди.

Кантнинг ҳуқуқ тушунчасига оид фалсафаси ҳам, айнан давлат томонидан ўрнатилган умумий-мажбурий қонунлар ёрдамида амалга ошириладиган умумий ва ўзаро мажбурловларни ҳар бир инсон эркинлиги билан уйғунлаштиришга йўналтирилган эди. «Фуқаровий жамият яратишда ягона мақсадни кўзловчи икки жараён юз беради, деб ёзган эди Кант, бу - эркинликдан воз кечиш ҳамда мана шу воз кечишдан сўнг янги, анча ишончли эркинликни қўлга киритишдан иборат жараёнлардир». Давлатнинг вужудга келиши билан боғлиқ назарий қарашда «ижтимоий сулҳ»нинг қатъий тарафдори бўлган Кант,

«ижтимоий сулҳ» туфайли барча инсонлар халқ таркибида ўзларининг ташқи эркинликларидан воз кечадилар ва шу заҳотиёқ ўзлари ташкил қилган давлатнинг аъзоси сифатида, аммо энди ҳуқуқий расмийлашган эркинликни қабул қиладилар. Шу боис, «инсон давлат таркибида ўзининг табиий эркинлигидан маҳрум бўлади» деган иддаоларни кескин танқид қилган ҳолда, Кант «аслида инсон қонунга асосланмаган - ёввойи эркинликдан воз кечиб, ҳуқуқий ҳолатда бўлган, яъни қонун билан таъминланган ва унга тобе бўлган эркинликни тўлиқ қўлга киритади. Зеро бундай тобелик, бевосита инсондаги қонунларни ўзи ижод қилиш ихтиёри асосида вужудга келади», деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Кант ўзининг «Соф ақл танқиди» асарида дунёни иккига ажратади: а) ҳодиса; б) **нарсанинг ўзи**. Амалий фалсафада эса, у инсоннинг икки моҳиятига: 1) **эмперик ёки ҳис-туйғуга асосланган ва табиий зарурият қонунларига бўйсунувчи**; 2) **маънавий ёки интеллектуал моҳиятга эга эканлигига** эътиборни қаратади. Мана шу иккинчи тушунчанинг моҳиятидан инсоннинг эркин ижтимоий мавжудот ва шахс эканлиги англашилади.

Шунга асосланиб Кант «инсониятнинг ўзи – а) **бу ғоядир** ва у унга эришмоғи лозим; б) **бу алоҳида ақлли инсонларнинг мақсадларидан ташкил топган, умумий мақсадларнинг асосидир**. Шу боис, ҳар бир кишининг мақсади - бахтга, фаровон турмушга эришишдир», – деб ёзган эди<sup>2</sup>.

Бугун кўпчилик кишиларнинг онтида «бозор иқтисоди - олди-соттига асосланган тadbиркорлик, инфляция азоби, бирламчи капитални тўплаш, валюта айрибошлаш ва унинг қадри каби нарсалар тушунилади» - деган тушунча ўрин олган. Мухими, кишилар ўзларининг ўн йилдан ортиқ паҳсий тажрибалари асосида бозор иқтисодиётининг жуذا муҳим икки жиҳатини англаб улгурдилар: **биринчиси**, бу давлатнинг барча масалаларни ҳал этиб берувчи «хомий ташкилот» эмаслиги, шу сабабдан бокимандалиқдан қутилиш ва бу қусурдан қанчалик тез қутилиб, инсон ўз турмушини ўзи ташкил эта бошласа, у шунчалик муайян муваффақиятларга эришиши мумкин.

**Иккинчиси** эса, «меновой» айрибошлаш психологиясининг вужудга келганлиги, яъни бозор иқтисоди кўпчилик инсонларнинг маънавий қашшоқлашувига олиб келганлиги-ю ҳаётни тасаввур этишда, энг аввало пулнинг бирламчи ўринга чиқаётганлигини, яъни инсонларнинг тоборо «моддийлашуви»ни, оқибатда барча муаммоларнинг эндиликда фақат пул билан ҳал бўлиши мумкинлиги ҳақидаги, яъни инструменталистик тасаввурларнинг жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларда тоборо қатъий мавқега эга бўлиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Бирок, иқтисодчи олимлар, сиёсатчилар

ва иқтисодий билимни муайян даражада эгаллаган ҳар бир киши учун, бозор иқтисодиёти - иқтисодий бошқарувнинг жуда мураккаб, ўзига хос хусусиятга эга бўлган ва жиддий тизимланган ижтимоий ҳодиса эканлигини англатади.

Шу боис, бозор иқтисоди тушунчасини мушоҳада қиладиган бўлсак, унинг иқтисодий назариядаги энг содда ва жуда оддий кўриниши - бу сотувчи ва олувчининг ҳеч қандай тўсиқсиз ва ўртадаги «даллол»сиз бозорда тўқнаш келишидир. «Тўқнаш келиш» ибораси бир мунча ғализ ҳамда мавҳумрок тушунчани берсада, аммо у бозор муносабатларининг мазмунини айнан ифода эта олади. Зеро «тўқнаш келиш» ибораси бозор муносабатларининг мураккаб ва ўзига хос хусусиятлари асосида шаклланган тизимнинг моҳиятини тўғри ифодалайди. Сотувчи ва олувчининг бозорда ўзаро тўқнаш келиши – жамиятдаги ҳокимият ва ҳуқуқ категорияларининг мутаносиблигидан бошлаб, сиёсий барқарорлик, сиёсий истакларнинг мавжудлиги каби жуда кўпқиррали муаммоларни ўз ичига олади. Бу эса айтиш билан боғлиқ масала ва муаммоларнинг амалий ва назарий ечимларини ҳал этишга ундайди.

Шу сабабдан, ушбу мураккаб назарий масалани ечишда бозор ва ҳуқуқ муносабатларининг табиатини ўрганиш, мазкур ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятини англаш, мазмун ҳамда шаклига оид методологик муаммоларни асосли ҳал этишни тақозо этадики, бу вазифани амалга ошириш эса, аввалги, классик манбаларни ўрганишга етаклайди. Шундай иқтисодий назариянинг асосчиси Адам Смит ҳамда инсониятнинг ахлоқий-ҳуқуқий тафаккури ривожига катта ҳисса қўшган буюк файласуф Иммануил Кантнинг таълимотлари илмий-назарий, амалий жиҳатдан улкан қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир.

Рисолада Адам Смит ҳамда Иммануил Кантнинг инсон ва унинг ижтимоий муаммоларга бўлган қарашларнинг умумий жиҳатлари таҳлил қилинади. Буни, бевосита мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳиятини англаш, ундаги инсоннинг ўрни ва мавқеини чуқурроқ тушуниш йўлида қилинган уриниш сифатида қабул этилар, деган умиддамиз.

## АДАМ СМИТНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ

### ҚАРАШЛАРИ

Маълумки, «иқтисодий сиёсат» ибораси сиёсий иқтисоднинг фан сифатида оёққа туришидан анча олдин пайдо бўлган. Ушбу ибора илк бор 1615 йилда «меркантилизм» оқимининг намоёндаси Монкретъен де Воттевиль томонидан «Сиёсий иқтисод трактати» асарида илмий муомалага киритилган бўлиб, асар фақат иқтисодий фаолиятнинг амалий муаммоларига бағишланган эди. Сиёсий иқтисод фанининг вужудга келиши эса улкан инглиз иқтисодчиси Адам Смит (1723-1790) номи билан бевосита боғлиқдир. Адам Смитнинг назарий қарашлари асосида мамлакат ҳўжалигидаги чуқур, барқарор ҳамда мунтазам тақрорланиб турувчи ҳодиса ва муаммоларнинг ўзаро алоқалари ҳамда боғлиқлик жиҳатларининг сабаб ва оқибатларига оид илмий аниқлов ва тушунчалар ишлаб чиқилди.

Табиий ҳўқуқ фанининг ўқитувчиси бўлган Смитнинг илмий қарашлари, XVIII асрдаги буржуа этикасининг оёққа тура бошлаган ҳамда ўша кезларда шахс ҳўқуқ ва эркинликларининг табиий асосга ва уларнинг даҳлсизлиги ҳақидаги ғояларга алоҳида эътибор қаратилаётган бир даврга тўғри келади. Худди мана шу вақтларда Адам Смит тафаккурида иқтисодий либерализм ғояларининг асосий қирралари намоён бўла бошлаган эди.

Смитнинг энг муҳим асари бўлмиш «Халқлар бойлигининг сабаблари ва унинг табиати тўғрисидаги талқиқотлар»да иқтисодий либерализм ғоялари иқтисодни ташкил этишнинг бирламчи асослари тарзида таҳлил этилади<sup>1</sup>. Унга кўра, иқтисодий фаолиятни юритишда шахснинг эркинлиги - бирламчи омил ҳисобланади. Шу боис, Смитнинг иқтисодий фалсафаси ҳам айнан либералистик тафаккурга асосланган эди. Унинг ёзишича, инсонларнинг ўз аҳволларини яхшилашга бўлган интилишлари, пировардда жамият фаровонлигининг ўсишига олиб келувчи асосий омилдир. Мазкур ақида кейинчалик Смитга «табиий эҳтиёжларга» ҳалақит қилмаслик ва уларни ўз ҳолича, белгиланган тартиб бўйича ривожланишига кўйиб бериш лозим»лиги ҳақидаги фикрларни илгари суришга туртки берди. Ҳар бир шахснинг иқтисодий фаолияти уни ўз фаровонлиги сари етаклар экан, унда бу фаолиятни чеклашга уринмаслик лозим, деб таъкидлайди Смит. Шу сабабли, унинг фикрича: давлат ҳамда сиёсатчилар инсонга кўпинча сиёсий механизмнинг муайян материали сифатида қараб келадилар. Бундай қараш эса инсон фаолиятининг табиий ҳолатини бузади, инчунин

табиатнинг ўз ҳолига қўйиб бериш, уни ўз мақсадларига ҳамда ўзининг шахсий ҳаётий лойиҳаларига эришиш учун тўлиқ эркинлик бериш зарур.

Шунингдек, Смит ишлаб чиққан «адолатнинг табиий қонуниятини»да халқларнинг бойлиги, ундаги меҳнатнинг роли, меҳнат унумдорлигини ўсишидаги асосий омиллар, турли тоифадаги кишилар ўртасида маҳсулотларни тақсимлашда вужудга келадиган «табиий» тартиб, капиталнинг табиати, ҳамда уни жамғаришнинг усуллари ва бошқа кўпгина масалалар ўрин олган.

Смит қарашларининг ўзагини – кишиларнинг ўз табиий ҳолати даражасида ўз шахсий ҳаётини ташкил этиши, инсоний эҳтиёжларини эркин ва озод ҳолда қондириш зарурлиги ҳақидаги тушунчалар ташкил этишини аниқлаш мумкин. Смит эркинлик ва озодлик каби омилларнинг иқтисодий муаммолар доирасида ҳал этиб, «иқтисодий киши»нинг муаммолари асносида «эркин инсон»нинг миёна моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди ҳамда эркин инсонларни ҳар қандай мамлакатдаги иқтисодий ривожланишнинг бирламчи омили, ҳар бир халқнинг энг асосий бойлиги сифатида эътироф этди.

Адам Смитнинг мана шу қарашларини таҳлил этадиган бўлсак, унда унинг назарияси асосан икки фалсафий концепция асосига қурилганлигини кўришимиз мумкин. **Биринчиси** - бу инглиз файласуфи Т. Гоббснинг «инсон эгоистик манфаатга эга, ушбу манфаат инсондаги энг қудратли ва энг бузғунчи эҳтирос эканлиги» ҳақидаги фикри бўлса; **иккинчиси** француз марифатпарвари, файласуф К. Гельвцийнинг, аксинча, «эгоизм - инсоннинг табиий - биологик хусусияти бўлиб, бу жамиятнинг ривожланишидаги асосий омил эканлиги» ҳақидаги ақидалардир.

Смит худди шу фалсафий қарашларни умумлаштирган ҳолда, бевосита инсоннинг иқтисодий фаолият маконига олиб кирди. Унинг фикрича, инсон фаолиятининг энг асосий мотиви - бу унинг шахсий мақсадни кўзлаб иш тутишидир. Зотан, инсонлар ўз шахсий манфаатларини қондиришга фақат ўзлари ишлаб чиққан маҳсулотларни, ёхуд ўз ихтидорларини бошқа инсонларга сотиш ёки алмаштириш орқалигина эриша оладилар.

Шундай экан, инсонларнинг ўз шахсий мақсадларига эришишлари, яъни бойлик орттириш учун ишлаб чиқарган маҳсулотларни айрибошлаши ёки сотишлари, бир томондан ўз бойликларини кўпайтиришга, иккинчидан, бошқа инсонларнинг табиий-ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилишига хизмат қилади. Ҳар бир инсоннинг айнан мана шу мақсадни кўзлаб ҳаракат қилиши жамиятдаги

иқтисодий жараёни вужудга келтиради ҳамда инсонлардаги манфаатлар йиғиндиси, ушбу жараёнинг узлуксизлигини таъмин этади.

Бу хусусида Смит шундай деб ёзади: «Биз ўз тушлигимизга, қассоб, пиво қайнатувчи ёки нонвойнинг меҳрибонлиги туфайли эмас, балки уларнинг ўз шахсий манфаатларига содик эканликлари сабабли эришамиз. Бу ҳолатни талқин этишда, уларнинг инсонийлик туйғуларига эмас, нафсоний (эгоистик) манфаатларига мурожаат этамиз ҳамда биз ҳеч қачон ўз эҳтиёжларимиз ҳақида эмас, балки доимо уларнинг фойдалари ҳақида фикр юритамиз»<sup>4</sup>.

Смитдан кейин иқтисодий муносабатларнинг табиатини тадқиқ этган деярли барча классик олимлар – иқтисоддаги либерализм ва неолиберализм мактаблари, эркин иқтисодий фаолиятни халқлар фаровонлигининг асосий омили тарзида талқин этдилар.

Дарҳақиқат, халқлар бойлигининг асоси бўлган эркинлик, жамиятда капиталнинг вужудга келиши, меҳнатнинг эркин иқтисодий муносабатлардаги хусусиятга қараб тақсимланиши ва ишлаб чиқаришдаги ўсишнинг бирламчи сабаби бўлган эркинликни таъмин этувчи муайян тартиб ва тизимга асосланувчи иқтисодий фаолиятнинг ташкил этилиши билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритиш – Адам Смит ижодининг ҳамда ҳаётининг бош ғояси эди.

У ўзининг шоҳ асариди, ҳар қандай мамлакат қандайдир даражадаги ишлаб чиқаришга асосланиши мумкинлигини таъкидлар экан, шундай ёлган эди: «агар у ёки бу мамлакатда ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги ҳақида гап борар экан, унда бу гап фақат, ўша мамлакатда анча нозик ҳамда қимматбаҳо ёхуд узок ўлкалардаги бозорларга етказиб берилувчи маҳсулотларни тайёрлашга қодир ишлаб чиқаришнинг мавжудлигига тегишли эканини тушуниш лозим»<sup>5</sup>.

Смит халқлар бойлигининг ўсиш сабабларини шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги иқтисодий муаммолар ҳамда ишлаб чиқаришга асосланган Европа мамлакатлари, шунингдек ер эгаллигига асосланган Яқин Шарқ мамлакатларидаги вазиятни қиёсий таҳлил этиш орқали асослашга уринар экан, ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ билан машғул ҳудудлар бойлигининг ўсишига турли жиҳатдан уч асосий ижтимоий-иқтисодий омил туртки берганлигини айтади. Унинг фикрича, бу омиллар қуйидагилардир: 1) шаҳардаги ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқнинг ўсиши, ўзининг хомашёси билан энг қулай, тайёр ва катта бозор бўлган қишлоқлардаги ерларга ишлов бериш ва унинг ҳолатини яхшилашга туртки берди; 2) шаҳарларда бойликнинг ортиши ушбу бойликларнинг қишлоқлардаги ерларни сотиб олишга сарфланишига олиб келди. Негаки, янги ер эгаси бўлган савдогар ўз сармояларини фақат фойда келтирадиган лойиҳаларга сарф қилишга

ўрганган, помещчик эса ердан унумсиз фойдаланишга ва ортиқча сарф-харажатларга мойилдир. Савдогар – жуда уddaбурон тadbиркор, помещчик эса – журъатсиздир. Шу боис, савдогарларнинг ерга бўлган муносабати қишлоқдаги аҳолининг ҳамда унинг ишлаб чиқариш билан банд бўлган қатламининг ва умуман мамлакатнинг умумий фаровонлигининг ўсишига сабаб бўлди; 3) савдо ҳамда ишлаб чиқариш секин-аста жамиятдаги ижтимоий муносабатларни муайян тартибга солди ва барқарор бошқарувга олиб келиб, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини аниқ тарзда таъминланишига асос беради»<sup>6</sup>.

Мазкур иқтисодий вазиятнинг вужудга келиши, Смитнинг нуқтаи назарича, Европа мамлакатларининг жуда кўпчилигидаги ер эгаларини соф манфаатли иқтисодий муносабатлар сари қадам қўйишга туртки берди. Катта фойда кўриш ҳамда дабдабали ҳаёт кечиришга берилиш, ер эгаларини ерга бевосита ишлов берувчи ва ердан унумли фойдаланувчи кишилар билан иқтисодий манфаатли битим тузиш ҳамда уларга узок вақт ердан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашга мажбур этди.

Смитнинг шу каби илмий хулосалари, бутун, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни янгилашнинг энг зарурий асоси — бевосита иқтисодий, яъни ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартириш пойдеворида, демакки тadbрижий йўл билан амалга ошириш мумкинлигини исботлашга асос беради.

Смит, эркин иқтисодий кишининг — мамлакатнинг иқтисодий юксалишидаги ўрнини белгилар экан, шундай деб ётган эди: «Ернинг тўлиқ ҳақини адо этувчи эркин ижарачи, эндиликда ер эгасига деярли тобе эмас. Уларнинг бир-бирларидан кўрадиган моддий манфаатлари ҳам баробар ва ўзаро тенгдир... Агар ер узок муддатга ижарага олинган бўлса, бу шахс албатта мустақилдир. Ер эгаси ундан ижара шартномасида белгилаб қўйилган талаблардан ташқари бўлган биронта мажбуриятни бажариш лозимлигини талаб қилишга ҳақли эмас»<sup>7</sup>.

Айнан эркин иқтисодий кишининг ижтимоий майдонга чиқиши ҳамда ерда меҳнат қилувчи ва ер эгасининг, ёхуд иш берувчининг ўзаро иқтисодий манфаатли битим асосида ўз бойлигини кўпайтириш ёки ўз оиласини боқиб учун пул топиш билан боғлиқ мақсадларига эришиш йўлини танлашлари, жамиятда ушбу шахсларнинг манфаатларини баробар ёки тенг равишда ҳимоя қилишга йўналтирилган **ҳуқуқий тизимга** бўлган эҳтиёжни вужудга келтирди. Бу ҳолатнинг жуда аҳамиятли эканлигини Смитнинг куйидаги фикрларидан ҳам англаб олиш мумкин. Хусусан, унинг ёзишича: «ижарачи ўз мустақиллигини битим асосида қўлга киритиши биланок, йирик ер эгаларини, ўзлари бунга қадар мунтазам амалга ошириб келган

одил судловга улар томонидан босим ўтказиш ёки ижтимоий тотувликни бузиш имкониятидан маҳрум қилди»<sup>8</sup>. Зеро, икки томондан тузилган битим ҳамда ундан кўриладиган иктисодий манфаат, сўзсиз, ҳар томоннинг ҳам шартнома шартларига тўлиқ риоя этишга, унда эътироф этилган мажбуриятларни тўлиқ бажарилишини кафолатлашга асосланган ҳуқуқий тизимнинг шаклланишига олиб келди.

Смитнинг юқоридаги фикрларига баҳо берганда, икки зарурий шартни эса тутишимиз керак. **Биринчиси**, бу ер эгалари ва ишловчилар ўртасида ижтимоий асосда ҳамда ҳуқуқий таъмин этилган янги муносабатларнинг шаклланиши юз берганлиги; **иккинчиси**, худди шу муносабатларни вужудга келтирган бирламчи омил - шахсий манфаат эканлигидир. Янгича иктисодий муносабатда энди нафақат бир томоннинг, яъни ер эгасининг шахсий манфаати устун бўлади, балки ердан фойдаланувчининг ерга ишлов бериш ва олинган ҳосилдан ўз ихтиёрича фойдаланишни таъмин этишдек шахсий манфаати ҳам ҳимоя этилади. Бу эса томонларнинг тенг манфаатли, ҳар бирига ҳуқуқ ва мажбурият тақдим этувчи битим асосида ўзаро келишувларни ташкил этишга асос бўлган ҳуқуқий муносабатлар эди. Бу, шубҳасиз, илғор маданий шакл эди.

Бирок, бизга маълумки, «умумий ҳуқуқ» деб номланувчи инглиз ҳуқуқий тизими ХI аср ўрталарида сакс ва норман қабилаларининг сиёсий бирлашуви ҳамда уларнинг Англия ҳудуди устидан тўлиқ ҳукмронлик ўрнатишлари натижасида, ушбу қабилаларнинг одат ва анъаналарига асосланган ҳолда вужудга келган эди. Умумий ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у жуда қадимданок, яъни 1215 йилда қабул қилинган «Эркинликлар буюк хартияси»да одил судлов юритувини олий ҳокимиятдан қатъий равишда ажратди. Камаш, тинтув ўтказиш, мол-мулкни мусодара қилиш каби ҳуқуқлар фақат суднинг ваколатига тегишли эди. 1679 йилдаги «Habeas corpus Act» қонунининг қабул қилиниши билан суд ҳокимиятининг ваколатларини янада кенгайтирилди, – эндиликда жиноятда гумон қилиниб ушлаб турилган ёки қамалган шахс ўзининг ушланиши ёхуд қамалишининг қонунийлиги ҳақида судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Суднинг жамият ҳаётида эгаллаган мана шундай юқори даражадаги мавқеи фуқаролар учун жуда кўп баҳсли масалаларни ҳуқуқий йўл билан, бевосита қонун орқали ҳал этиш кафолатини таъмин қилди.

Балки Англияда айнан суднинг ниҳоятда кучли ҳокимиятга эгаллиги ва унинг қарорларининг сўзсиз бажарилиши — бозор муносабатларининг кенг ҳамда қатъий ривожланишига туртки берган

асосий омиллардан бири бўлгандир? Албатта, бундай қатъий хулоса чиқариш учун чуқурроқ илмий-тарихий таҳлил талаб қилинади. Аммо шунини таъкидлаш ўринлики, ҳар бир инсон учун ўз ҳақ-ҳуқуқларини холис суд орқали ҳимоя қила олиш кафолатларининг изчил белгиланганлиги, шундай тартибнинг бекаму-қўст ишлаши – шубҳасиз, «иқтисодий киши» учун зарур бўлган эркин иқтисодий фаолият юритишга берилган жиддий, муҳим ва асосий гаровдир.

Иқтисоднинг тарихий тараққиётини таҳлил этар экан, Смит, шунингдек феодал муносабатларнинг қай даражада «иқтисодий киши» эркинликларини тизгинловчи ижтимоий муносабат эканлигини, унинг таназулга учрашидан сабаб ва асосларни, иқтисодий тараққиётнинг муҳим омил сифатида кишиларнинг ўз турмушларини яхшилашга интилишлари-ю, бозор муносабатларининг таркиб топиши ҳамда шахар ва қишлоқ ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг хусусиятлари, улар ўртасидаги товар айрибошлаш ва меҳнат тақсимотининг характери каби омилларни асос қилиб келтиради. Смит яшаган даврда бой мамлакатларнинг шундай иқтисодий юксалишга эришганлигининг асосий мезони сифатида у, ер эгалари, ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг ўзаро ва шахсий манфаатларига асосланган муносабатларнинг ўрнатилганлигини бош сабаб сифатида эътироф этади. Мазкур муносабат, Смит айтганидек, фақат иқтисодий фаолият билан машғул кишиларнинг эркинлиги асосидагина юзага келиши мумкин.

Европадаги аввалги сиёсат ернинг ким томонидан бошқарилишига боғлиқ эди. Ерга эгалик қилувчи шахс мулкдор ёки фермер бўладими – ким бўлишидан қатъий назар, у ернинг унумдорлигини оширишга ва яхшилашга мутлақо бепарво эди. Бу бепарволик, энг аввало, нон маҳсулотларини махсус руҳсатномасиз олиб чиқишни тақиқлаш билан боғлиқ эди; иккинчи тақиқлов эса, ички савдодаги нафақат нонга, балки деярли барча қишлоқ ҳўжалиги муносабатларига ўрнатилган чекловлардан иборат эди. Адолатсиз қонунлар нарх-навои оширувчиларга ёки уни пасайтирувчиларга, ҳамда олди-сотти билан шугулланувчи шахсларга қарши қўйилиб, аксинча, айрим ярмарка ҳамда бозорларга асоссиз енгилликлар тақдим этарди<sup>9</sup>. Бу эса, Смит таълимотига кўра, фақат эркин фаолият асосига қурилиши мумкин бўлган бозор муносабатларининг шаклланишида асосий тўсиқ эди.

Бу билан Смит, мамлакат бойлигини орттиришни бош мақсад қилган ҳеч бир ҳукумат ички бозордаги рақобатни, демакки эркин тадбиркорлик фаолиятини қарорлар қабул қилиш йўли билан бузмаслиги зарурлиги, табиий эҳтиёжга асосланган талаб ва тақлиф

ўртасидаги муносабатнинг ўзи ҳар қандай сунъий чекловларсиз ҳам ўз мувозанатини тиклаб олиши мумкинлиги ҳақидаги муҳим назарий ғояни ўртага олиб чиқди.

Аммо Смит яшаган даврга келиб «меркантилизм» ғоялари анча эскирган, ўз иқтисодий-амалий ҳаётини яшаб улгурган бўлса-да, бироқ ўша даврда Смит томонидан таҳлил қилинган ва қонуниятлари очиб берилган янги иқтисодий муносабатларнинг табиати, ҳамда ушбу муносабатларни таъмин этувчи ва ҳимоя қилувчи ҳуқуқий тизимнинг моҳияти ҳали тўлиқ англаб улгурилмаган эди.

Ўз навбатида шуни таъкидлаш лозимки, замонавий иқтисодий назарияда (хусусан монетаризм назариясида) иқтисодий бўҳронларнинг олдини олиш ёхуд ундан қутулишнинг муҳим иқтисодий воситаларидан бири, айнан қайсидир соҳада ёхуд қайсидир иқтисодий босқичда тадбиркорлик фаолиятини бир мунча чекловчи ёки ички бозорни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқат сиёсати (протекцион сиёсат) ни амалга ошириш зарурлиги ҳақидаги қарашлар ҳам илгари сурилади.

Ушбу баҳсли назарий ва амалий муаммо юзасидан мулоҳазаримизни давом эттириб, Смитга, унинг илмий ғояларига мурожаат этадиган бўлсак, унинг бу борадаги фикрларини, ўзининг асосий ақидасига, яъни «иқтисодий киши»нинг эркинлигига содиқ қолган, аммо уни бир муҳим жиҳат билан тўлдирилган ҳолдагина англаб этишимиз мумкин. Бу жиҳат, ҳам ҳокимиятга, ҳам тадбиркорлик эркинлигига нисбатан «ишончсизлик»нинг маяжудлигида намоён бўлади.

Албатта, мазкур ибора ва у орқали ифодаланаётган тушунча Смит таълимотидаги бош ғояга зид деб қаралиши мумкин. Лекин Смитнинг «ишончсизлик» тушунчасини фақат ҳуқуқат сиёсати ҳамда тадбиркорлик эркинлиги билан боғлиқ меъёрнинг ўлчови сифатида тушуниш лозимдир.

Смит, **биринчидан**, давлатнинг иқтисодий ўрнига оид масалада, унинг иқтисодий фаолиятга аралашувини чеклаш ҳамда унинг фаолиятини фақат жамият аъзоларининг давлатга – ҳокимиятга бўлган табиий эҳтиёжларининг зарурияти доирасида белгилаш керак деган фикрда бўлса; **иккинчидан**, Смитнинг тадбиркорлар эркинлигига (чекланмаган, чегараланмаган эркинликка) бўлган «ишончсизлик» муносабати инсонларнинг табиий ҳолати билан боғлиқ эгоистик манфаатларининг ҳаддан зиёд чегарасиз эканлигига асосланади.

Шу туфайли Смит, бу масалаларда икки томоннинг ҳам «даъволари»ни чегаралаб турувчи сиёсий-ҳуқуқий механизмлар зарурлиги ҳақида фикр билдиради. Жумладан, «давлатнинг иқтисодий фаолиятга асоссиз ва сабабсиз аралашуви кишилар эркинлиги ҳамда

фаолиятининг натижасига салбий таъсир этиши мумкинлиги ҳақида айтиб, давлатни энг куйи варварлик ҳолатидан энг юқори фаровонлик даражасига кўтариш учун бор-йўғи тинчлик, энгил солиқлар ва бошқарувдаги сабр-тоқатлилик керак холос; қолган ишларнинг барчасини воқеалар табиий ривожининг ўзи ҳал этади. Воқеаларнинг табиий ҳаракатини бошқа йўналишга бурувчи ёхуд жамият ривожини тўхтатишга уринувчи барча ҳукуматлар – ғайритабиийдир. Зотан улар, ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш йўлида доим қатағон ва зулми амалга оширишга мажбурдирлар», деб ёзган эди Смит<sup>10</sup>.

Аммо ушбу фикрлар, аввал таъкидлаганимиздек, Смитнинг асосий ғоясига, яъни «инсоннинг эгоистик манфаатлари асосига қурилган маҳсулот айрибошлашнинг табиий ҳолатнинг ўзи инсонлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиб туришга қодир» эканлиги ақидасига зид келмайди. Чунки бу ерда гап фақат «иқтисодий киши»нинг эгоистик манфаатлари йўлида жамиятнинг умумий манфаатлари қурбон қилиниши мумкин эмаслиги хусусида бормоқда.

Шу билан бирга, Смит фикрига кўра, тадбиркорлар синфининг чексиз эркинлиги ёхуд уларнинг табиатидан келиб чиқувчи эгоистик манфаатларининг чегарасиз эътироф этилиши, иқтисоднинг ўзига, шунингдек жамият манфаатларига ҳам жиддий зарар келтириши мумкин. Бу ҳолат, албатта Смит томонидан эътиборсиз қолдирилгани йўқ. Уни ёзишича тадбиркорлар синфи ўз шахсий манфаати йўлида жамиятни доимо алдашга, ҳаттоки уни ўзига тобе қилишга мойилдир. Шу сабабдан тадбиркорларнинг қонулар қабул қилиш жараёнидаги таклифларига нисбатан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқ лозим, зотан тадбиркорлар синфи монополия ўрнатишга доимо эҳтиёмандир.

Бирок, Смитнинг эътирофича, ғоявий буюк инқилоб, моддий бойликни кўпроқ қўлга киритишга интилувчи ижтимоий қатлам томонидан амалга оширилган эди. Улар барча ҳаракатларни айнан ўзларининг шахсий мақсадларига эришишга йўналтирдилар ва фақат ўз манфаатлари учун хизмат қилдилар. Ушбу ижтимоий қатламдаги мавжуд табиий эгоистик ҳиссиёт, ҳамда эгоистик мақсадга эришиш воситаси бўлган соф иқтисодий, яъни манфаатли маҳсулот айрибошлаш эркинлигига асосланган муносабатлар ана шу инқилобнинг бош ва мутлақ мезонлари сифатида намоён бўлди.

Аммо гап, инқилобнинг ер эгаси, савдогар ёки ҳунарманддаги эгоистик манфаатининг мавжудлиги ёки эркин муносабатларнинг шаклланганлиги туфайли юз берганлигида эмас, балки, айнан Смит томонидан ана шу ижтимоий-иқтисодий ҳодиса (инқилоб)нинг тўғри ва ўз вақтида пайқаб олинганлигида эди.

Юқорида зикр этилган фикрларга яқун ясаб, хулоса қиладиган бўлсак, таъкидлаш даркорки, Смит ўзи яшаб ижод қилган даврдаги жамият ҳаётида юз берган катта иқтисодий ҳамда ижтимоий ўзгаришларнинг табиатини, унинг моҳиятини англашнинг удасидан чиқа олди. У бу ўзгаришлар асносида кишиларнинг ўз шахсий-эгоистик манфаатларини қондиришга бўлган уринишлари, ушбу уринишларнинг замирида ётган инсонларнинг ўз ҳаётларини яхшилашга бўлган абадий интилишлари ва уни шу мақсадга етакловчи йўл – эркинлик билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўра олди.

Смит ўзининг буюк асарига сўнгги нуқтани кўяр экан, бу борада шундай деб ёзган эди: «Жамият фаровонлиги йўлида амалга оширилган энг буюк инқилоб жамиятга зиғирча ҳам хизмат қилишни кўзламаган икки турли синфга тегишли кишилар томонидан амалга оширилган эди. Катта ер эгаларининг ягона манфаати ҳам – ўзларининг энг кулгили шуҳратпарастлигини қондиришдан иборат эди. Савдогарлар ва ҳунармандлар ҳам, фақат ўз манфаатлари учун хизмат қилиб, ўзларига хос бўлган «ҳар қандай қулай фурсатдан фойдаланиб тийинигача уриб қолиш»дек савдогарлик қоидаларига амал қилдилар. На улар ва на булар, бирининг онгсиз ҳаракатлари-ю, бошқасининг ўта меҳнатқашлиги оқибатида содир бўлган буюк инқилобни англаш ва тушунишга қодир эмасдилар»<sup>11</sup>.

Смит амалга оширган буюк кашфиётни шундай баҳолаш мумкин: у айнан «иқтисодий киши»нинг бевосита ўз шахсий манфаатдорлигига асосланган эгоистик фаолиятининг хусусияти ва характерини, унинг иқтисодий механизмни ҳаракатга келтирувчи ва уни юргизувчи ягона куч сифатида, бу кучнинг табиати ва қонуниятларини очиб берди.

Смитнинг юқоридаги таҳлилларидан ҳамда у илгари сурган асосий ғоялардан шуни англаш мумкинки, айнан бозор иқтисоди ҳозирча инсоният тарихида мавжуд инсоннинг табиати билан боғлиқ ҳолатларни таъмин этишга қодир энг асосий, қолаверса энг қулай иқтисодий бошқарув ҳисобланади. Фақат бозор иқтисодигина, ҳуқуқ ызининг асл моҳиятига мос келувчи ва уни таъмин этувчи сиёсий-ҳуқуқий тизимга айланиши мумкин. Зеро Иммануил Кантнинг ҳуқуққа оид фалсафаси, нафақат ҳуқуқнинг ижтимоий-субъектив табиатини очиб беришда, балки ҳуқуқнинг моддий-ҳаётий оламдаги объектив хусусиятларини ёритишда ҳам муҳим роль ўйнади.

## ИММАНУИЛ КАНТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Иммануил Кантнинг ҳуқуқ ва давлат масалаларига бағишланган фалсафий қарашлари, унинг ҳаёти ва ижодининг охириги йилларида кўпроқ намоён бўлди. Шунга қарамай, Кантнинг ҳуқуққа оид қарашлари унинг гнеосологик ва космоген фалсафий тизимининг ажралмас қисми бўлиб, у Кант фалсафасини жиддий равишда янада тўлдирди, мукамал ҳолга келтирди. Шу боис Кантнинг ҳуқуқ ҳақидаги ғояларини англаш учун, унинг умумий фалсафий ғоялар тизимини мушоҳода қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кант ўзининг фалсафасий ақл-идрокини ўша даврларда (шубҳасиз ҳозирда ҳам) фалсафанинг жуда баҳсли бўлган марказий муаммоси - билиш категориясини таҳлил этишга қаратди. Ўша кезларда билиш муаммоси, ички қарашни қатъий шакллантирган бўлсада, лекин эмпирик ва назарий билимларни қандай бирлаштириш масаласи устида бош котирилаётган эди. Алалоқибат, ушбу муаммо икки қарашни, яъни эмпирик ва рационал йўналишларни вужудга келтирди. Рационалистлар назарий билимни эмперик билимга қарши қўйиб, улар асосан илмий принципларни ақлнинг ўзига хос бўлган ва ўзида айнан ҳақиқатни акс эттирувчи принциплардан чиқариб олиш ҳақидаги ақидаи ҳимоя этардилар. Рационалистлар томонидан, шунингдек, ҳиссий тажрибадан ўларок, алоҳида билимнинг манбаси мавжудлиги эътироф этилди<sup>12</sup>.

Эмпиризм назариясига кўра эса, билимнинг асосий манбаи тажриба характерига эга эди.

Аmmo Кантнинг энг асосий ютуғи – унинг мана шу икки қарашнинг камчиликларини ва ютуқларини кўра билганлигида эди. Унинг фикрича, бизнинг билимимиз тажрибадан бошланади, лекин тажриба ақлдан бутунлай холи эмас. Тажрибага, шунингдек, бизнинг англашга қодир қобилиятимиз ҳам қўшилади. Агар англашга оид биринчи ҳолатни – апостериор ҳолат десак, иккинчиси ҳолат – априоридир<sup>13</sup>. Кант мана шу тушунчалар орқали назарий ва амалий билимларга боғлиқ муаммони аниқлашга ҳаракат қилди.

Чунончи, Кантнинг фикрига биноан, априори билиш ҳар қандай тажрибадан холи бўлиб, унга бирон-бир эмпирик нарсани қўшиб бўлмайди. Негаки, фақат тажрибанинг ўзигагина асосланган билим доимо чекланган, саёз ва тасодифий бўлади. Шу билан бирга, бу билим умумийлик ва зарурийлик хусусиятига эга эмас. Шунинг учун, Кант индукцияни фақат алоҳида ва хусусий ҳолатлар ҳақидаги билимни

бериши мумкин холос деб ҳисоблайди. Мана шу илмий фикрларга асосланиб, Кант куруқ эмпиризмга қарши чиқади.

Бирок, Кантнинг фикрича, рационалистлар ҳимоя қилаётган тажрибадан ташқаридаги билим ҳам асосли эмасдир. Чунки бу билим хиссий тасаввурдаги материяга асосланмаганлиги учун мазмунсиз бўлиб, у фақат диалектик кўринишдагина бўлиши мумкин.

Шу боис, Кант ўз фалсафий қарашларида априори билимни чуқурлаштиришга, унга янги талқин беришга ҳаракат қилди. Унинг фикрича априори билим, **биринчидан**, зарурий бўлмоғи, **иккинчидан** эса, қатъий умуминсонийликка асосланмоғи лозим. Ушбу икки хусусиятнинг биргаликда мавжуд бўлиши априори билим тушунчасини тўла намоён этади<sup>14</sup>.

Шунингдек, Кант априори билимни соф ақл билан боғлашга ҳам ҳаракат қилади. Унинг ёзишича, априори билим – ашёлар ҳақидаги билимнинг мазмунидир. Аммо Кант, бу билимга тажриба орқали эришиб бўлмаслигини таъкидлаб, шу сабабдан уларнинг барчаси соф ақлга ва унинг муаммоларига, яъни худо, эркинлик ва абадийлик муаммоларига кўчиши ҳақида фикр юритади.

Мазкур қарашлардан келиб чиқувчи «ақлнинг фаолияти нимадан иборат?» - деган саволга, Кант шундай жавоб беради: яъни ақл, **биринчидан**, ашёлар ҳақидаги тушунчаларни алоҳида қилиб ажратади, **иккинчидан**, у биздаги аввалдан мавжуд тушунчаларни кенгайтириш ва шу орқали янги билимга эга бўлишимизга асос бўлади. Шу хулосалардан келиб чиқиб, Кант муноқишада асосланган билимнинг икки категориясини: а) **аналитик** (таҳлилий) ва б) **синтез категориялари** ҳақидаги тушунчаларни ишлаб чиқди<sup>15</sup>.

Кант фикрига биноан, барча эмпирик мулоҳазалар ўз ҳолича синтетик категорияга мансубдир, аналитик, яъни таҳлилий мулоҳазалар эса априоридир<sup>16</sup>.

Энди Кантнинг диалектикасига келсак, у ҳам анча мураккаб бўлиб, унга кўра, инсон заковоти хис-туйғудан бошланади, идрокда давом этади, ҳамда ақл(разум)да тугалланади. Инсон учун мушоҳада орқали олинган материалларни қайта таҳлил қилиб, уларни олий онг ҳукмига ҳавола этишдан юксакроқ нарса йўқдир. У мана шу ҳолатда ақл тушунчасига таъриф беришга ҳаракат қилиб, ақл, **биринчидан**, агар у англашнинг мазмунидан жиддий равишда мавҳумлашган ҳолда, соф мантиқий тушунчага эга бўлади; **иккинчидан**, у муайян тушунчанинг асосий манбаларини ўзида мужассам этади, деган фикрни илгари суради. Мана шу иккинчи тушунчага биноан, - ақл тушунчани ҳосил қилиш иқтидорига эгадир. Кантнинг қарашларига мувофиқ, агар идрок этиш - коидалар яратиш иқтидори бўлса, ақл принципларни ишлаб чиқади.

Идрок - фикр юритса, ақл хулоса чиқаради, идрок - тажрибага таянса, ақл эса идрокнинг фикрий мулоҳазаларига асосланади<sup>17</sup>. Шу боис Кантнинг фикрига кўра, соф тушунча, ўз ибтидосини фақат идрокдан олгани учун *notio* деб деб номланади. *Notiones*дан ташкил топган ҳамда ҳар қандай тажриба чегарасидан четга чиқадиган тушунча - ғоя ёки ақл тушунчасини ташкил этади<sup>18</sup>.

Мана шу тушунчалардан хулоса қилиб Кант шундай деб ёзади: «Ақл ғоялари бизнинг инсоний идрокимиз иктидоридан устун туради». Шу боис ақл бу ерда ҳал этиб бўлмас зиддиятга тўқнаш келади. Зотан ақл ғоялари бу ерда англаниши мумкин бўлган тажрибага таяна олмайди. Худди шу нарса, Кант илгари сурган ақл диалектикасининг - трансцендентал диалектика мағзини очиб беради. Чунки, Кантнинг ёзишича, «ақл – англашнинг энг олий иктидоридир. Аммо ақлнинг ўзи ҳеч нарсани англамай, балки идрокдаги олий англашни ҳамда олий янглишишни тартибга солади. Зеро, ақл «ашёнинг ўзида»ни англашдан ҳеч қачон воз кеча олмайди. Шу сабабли у, охир-оқибат софистикага мубтало бўлади<sup>19</sup>. Ақлнинг «а *prōti*»га оид предметлар хусусида бирон фикрни айтишга, ҳамда тажрибадан ташқаридаги билимни кенгайтиришга уриниши, шубҳасиз, диалектик тушунчадир. Кант фикрига кўра, диалектиканинг ўзи эса, мантикий рўёдир. Шундай экан, трансцендентал рўё категорияларни эмпирик макондан анча узоқлаштириб, у соф идрокни кенгайтириши билан боғлиқ имконсиз умидларни саробга айлантиради, ҳамда ақлнинг барча даъволарига ҳиссиз жилва беради. Имкон даражасидаги тажрибадан четда бўлган барча ҳолатлар, Кантнинг фикрича, трансцендентал,<sup>20</sup> яъни соф ақлийдир.

Шундай қилиб, Кантнинг диалектик фалсафасини инсон томонидан англаб бўлмас «ашёнинг ўзида»ги тушунча ташкил этиб, инсон тафаккури ходисани ҳис-туйғу орқалигина билади, лекин уни инсон ақл-идроки ҳеч қачон англай олмайди. Бунинг асосий сабаби эса, ақлнинг тажрибага таяна олмаслигидир.

Шунинг учун Кант, ўз фалсафасининг асосини «амалий ақл»га қаратди. Негаки, дейди Кант, инсон нафақат фикр юритишга, шунингдек ҳаракатни амалга оширишга ҳам қодирдир. Шу боис, инсон хатти-ҳаракати унинг ақл-идрокига тегишли ихтиёр билан боғлиқдир. Зеро, инсон ихтиёри - бу нафақат хатти-ҳаракатга нисбатан бўлган хоҳиш-иродага оид иктидор, балки, аввало мана шу хатти-ҳаракатни амалга оширишни белгиловчи асосни англашга бўлган иктидор ҳамдир<sup>21</sup>. Кант ихтиёрни, айнан амалий ақл сифатида кўради. Чунки, унинг фикрича, инсон умумий тушунчада ақлли, фикрли жонзот сифатида у икки иктидорга, яъни а) тафаккур этиш (ақлга) ҳамда б) ихтиёрга эгадир.

Ақл ёрдамида инсон ахлоқийлик ва эркинлик каби ўзининг яқуний мақсадларига эришишнинг йўлларини излайди. Шу сабабли Кант ўз фалсафасида амалий ақлни назарий (спекулятив) ақлдан юқори қўяди. Унинг ёзишича, биз учун амалий жиҳатдан бизнинг ихтиёримизга боғлиқ бўлган энг юқори ҳиссиётлар: эзгулик, фозиллик саховатлилик, бахт каби тушунчалар зарурий ва ўзаро муштараклик асосида англанади. Шунинг учун, соф амалий ақл фозилликни, агар унга биринчи унсур тааллуқли бўлмаса, унинг иккинчиси ўз-ўзидан унинг томонидан тан олинмайди<sup>22</sup>.

Кантнинг амалий ақлга оид қарашларининг марказида эркинлик категорияси туради. У «Соф ақлнинг танқиди» асарида эркинлик ва зарурият бир кўринишдан ўзаро зид тушунчаларни ифода этадигандек кўрииб, бир-биридан мустақил бўлса-да, аммо бир-бирига зиёнсиз мавжуд бўлган категориялар эканлигини таъкидлаб ўтади. Эркинлик категорияси, унинг ёзишича, муқаррарликка даҳлдор бўлса, зарурият эса ҳодисалар оламида намоён бўлувчи категориядир. Кант унисини ҳам, бунисини ҳам ҳақиқат тарзида қабул қилади, бироқ унинг таъкидлашича, улар турли муносабатлардаги ҳақиқатлардир. Чунки, мазкур категорияларнинг асосий унсури - ҳаракат ҳис-туйғу оламига тааллуқли ҳолда, табиий заруриятга бўйсундирилгандир. Лекин, шу билан бирга, у эркинликка ҳам даҳлдор, зотан ҳаракат ақл эгаси - инсон (*homo sapiens*) томонидан амалга оширилади. Шу сабабли, эркинлик ҳамда зарурият ўртасида ҳеч қандай зиддият мавжуд эмас.

Эркинлик ҳамда зарурият ўртасидаги мана шундай муносабат моҳиятини аниқлагач, Кант фалсафий назариянинг ушбу масаласига оид вазифасини бажарган деб ҳисоблаб, энди эътиборини бевосита амалий ақлга тааллуқли бўлган тушунчаларга, яъни объектив мавжуд, амалий зарур ҳамда ҳис-туйғуга боғлиқ бўлмаган ҳаракат тушунчасини аниқлашга йўналтирди. Бунда Кант инсоннинг ижтимоий ҳаётини табиат қонуналаридан ҳамда тарихий шарт-шароитлардан холи тарзда таҳлил қилишга уринади. Уни ёзишича, заковот эгаси инсон - эркин ихтиёрга эга бўлиб, қатъий (императив) тарзда ўрнатилган қонуналарга, уларни ҳурмат қилганлиги боис, ҳамда уларга шак-шубҳасиз амал қилиши туфайли, ўзи учун ўзи сабабийликни ўрнатади. Шу сабабдан, инсон ўз ҳаракатларини эркин амалга оширади. Кантнинг фикрига кўра, эркин ихтиёр орқали инсонлар ўзи учун ўзи қонун бўлиш хусусиятини эгаллайдилар. Ўз навбатида ихтиёр ҳам антиномиявий, яъни ҳал қилиб бўлмайдиган, бир-бирига зид аммо баробар тарзда исботлаш мумкин бўлган тушунчалардан ташкил топади.

Бундан ташқари, эркинлик орқали Кант автоном ихтиёрнинг мазмунини очишга урииб, қайд этилганидек, ихтиёрни тирик

жонзодлар эга бўлган сабабийликнинг бир тури сифатида баҳолайди. Эркинлик эса, Кант фикрига кўра, мана шу «сабабийлик»нинг шундай хусусияти, унда эркинлик ўзининг вужудга келиш, ҳаракатланиш сабабларини аниқловчи ташқи кучлардан холи ва мустақил равишда ҳаракатда бўлади<sup>21</sup>.

Ушбу фикрдан, ҳаракатнинг шундай максимада, яъни мутлақликда амалга оширилиши зарурлигини тушуниш лозимки, бунда ҳаракатнинг ўзи предмет, яъни ғоя учун қонун тарзида мавжуд бўлиши лозим. Айнан мана шу тушунча императивликнинг формуласини ва ахлоқийликнинг асосий принципини ифода этади. Демак Кантнинг карашларида эркин ихтиёр ва ахлоқий қонуниятларга бўйсунувчи ихтиёр бир маънода англанишини кузатиш мумкин.

Шундай экан, Кантнинг тасаввурича, эркинлик ва амалий қонунлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Негаки, эркин ихтиёр эмпирик шароитлардан мустақил равишда вужудга келса-да, лекин у ахлоқий қонуниятларнинг мазмунида мавжуд бўлади, ҳамда уларнинг ёрдамида белгилаб берилади. Кантнинг ёзишича, эркинлик трансцендент бўлиб, уни ҳис-туйғу ёрдамида англаш имконсиздир. Ахлоқий-маънавий қонунларни эса бевосита англаш мумкин<sup>24</sup>.

Эркинлик категорияси, Адам Смитнинг «иқтисодий киши» таълимотидаги каби, Иммануил Кантнинг ҳам ахлоқий-ҳуқуқий фалсафасининг негизини тапқил қилади. Мана шу жиҳатдан олганда, уларнинг тафаккурларидаги муштаракликни кўриш мумкин. Албатта бунинг муайян илмий-назарий асослари мавжуд. Улар Кант томонидан «Ахлоқлар метафизикаси» асарининг биринчи қисмида ёритиб берилади. Унга кўра, эркинлик ҳуқуқнинг субстанцияси ва шаклий белгиси ҳисобланади. Қайд этилган асарда Кант ҳуқуқ ҳақида шундай деб ёзган эди: «Ҳуқуқ - бу шундай яхлит шароитки, унда (бир) инсоннинг эрки, умумий эркинлик қонунияти нуқтаи назаридан олиб қараганда бошқасининг эрки билан ўзаро уйғун бўлади<sup>25</sup>. Яъни бу ҳақда формал мантиқ нуқтаи назаридан фикр юритадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, бир шахснинг эркинлиги бошқа шахснинг эркинлигини чеклаш ёки унинг чекланган эркинлиги ҳисобига таъминланиши, ёхуд аксинча, бошқа шахснинг эркинлиги яна бир шахснинг эркинлиги ҳисобига таъминланиши мумкин. Бир шахснинг эркинлиги бошқа шахс(лар)нинг эркинлиги ўртасида зиддият мавжуддек кўринишнинг сабаби шунда. Аммо мана шу антиномияни Кант ҳуқуқнинг моҳиятини очиб бериш жараёнида тушунтириб беради. Албатта, бу вазифани Кант, ўзининг назарий фикрларини метафизик<sup>26</sup> асосга қурган ҳолда амалга оширади. Унинг ёзишича, табиат ўзи қўйган мақсадга эришиши учун инсонлар ўртасидаги доимий мавжуд қарама-

қаршиликни асосий восита сифатида қўллаб келади. Қарама-қаршилик, инсонлар муносабатларидаги бадхоҳликдир. Чунки инсонлар муносабатга, кўпинча ана шу қарама-қаршилик асносида ёндошишга мойилдирлар. Бу ҳолат жамиятнинг жипслашишига доимо таҳдид солиб келади<sup>27</sup>. Шу сабабдан, инсонлар доимо ўзаро кураш асносида яшаб келадилар ҳамда бу кураш, инсоний маданиятнинг ибтидоси ҳисобланади. Абадий кураш таълимотига кўра, курашга асосланган муносабат охир-оқибат қонун асносида ва қонуний тартибда ҳал этилади. Аммо, мазкур тартибнинг ўрнатилиши учун юридик қонунлар ёки ҳуқуқий-меъёрий восита зарур. Зотан, уларсиз кураш (яъни, кишилар ўртасидаги антогонизм – Кант ишлатган ибора) бирон-бир натижасиз ва келишувсиз яқун топган бўлар эди. Шунинг учун, табиат инсонни ҳал этишга йўллайдиган буюк муаммо - умумий ҳуқуқий фуқаровий жамиятни барпо этишдан иборатдир. Бу жамиятда кишиларнинг улуг эркинлиги ва унга тўла асосланган кишилар антогонизми ҳукм сурмоғи лозим. Худди шу қарашлар Смитнинг «эгоистик манфаатга эга шахсларнинг эркин муносабатларига асосланган иқтисоднинг табиий тартиб»га оид фикрларини фалсафий қирраларини тўлдиради.

Ўз фикрида давом этар экан, Кант, эркинликнинг чегараси мавжуд бўлиши лозимлигини ҳам таъкидлайди. Негаки, эркинликнинг чегараси бошқа инсонларнинг эркинликларига тажовуз қилмаслиги, балки уларнинг эркинликларини ҳурмат қилиши ва таъминлаши зарур. Шу боис, Кантнинг фикрича, юксак адолатли фуқаровий жамиятнинг асосий белгиси мажбурлов ёки мажбуриятдир. Шундай бўлгач, унинг фикрига кўра, ташқи қонунлар шароитидаги эркинликнинг имкон қадар кенг даражаси – мажбурловда, яъни ҳокимият билан уйғун ҳолда мавжуд бўлиши мумкин. Эркинлик ва мажбурлов тушунчалари антинomiaвий характерга эга бўлса-да, лекин Кант бу категорияларнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган умумий жиҳатларини очиб беради. Ушбу масалада Кант, инсонлар ўзларининг эркинликка тўлиқ мойилликлари сабабли мажбурловни ўзлари учун азият деб биладилар, бироқ, мана шу азият оқибатда инсонлар учун фаровонлик келтиради деб таъкидлайди. Зотан, унинг фикрича, эркинлиги барча жиҳатдан таъминланган фуқаролар бир-бирлари билан ҳеч қачон инок яшай олмайдилар.

Шундай қилиб, Кант фикрига биноан, инсонлар ўз табиий ҳолатларида ўзаро инок яшаш ҳолатига эришишлари амри маҳол. Шу сабабли, мажбурлов инсон эркинлигини, демакки ҳуқуқни таъмин этувчи бирламчи элемент сифатида мавжуд бўлади. Унинг ёзишича, мажбурлов шундай имкониятларга эгаки, фуқаровий жамиятда инсонлар антогонизмига асосланган мажбурлов жуда кўп ижобий натижалар бериши мумкин. Кант бу тезисини ўрмондаги дарахтлар мисолида

содда тарзда тушунтириб беради. Ўрмондаги дарахтлар бир-бири билан рақобат қилиб, қуёш ва ҳаводан кўпроқ баҳраманд бўлиши учун юқорига бўй чўзадилар. Оқибатда бу дарахтлар текис ва бўйчан бўлади. Очикда ва яқка ҳолда ўсган дарахтлар эса хунук ва қийшиқдир<sup>28</sup>. Шунинг учун инсон ҳам ўзи каби кишилар орасидагина такомиллашиши, камолотга эришиши мумкин. Бунинг муҳим асослари эса, Кантнинг ғоясига биноан «кишилар эркинлиги ҳамда шу эркинликлар асносида вужудга келадиган зиддиятдир». Мазкур фикрни таҳлил этадиган бўлсак, шунини айтиш даркорки, худди шу зиддиятнинг маданий шаклда ҳал этилиши, инсонлар жамиятининг ривожини учун жуда зарур бўлган рақобатни вужудга келиши ва яшашини учун замин яратади. Рақобат мушоадада юридадиган бўлсак, унда Смитнинг «инсонларнинг эгоистик эҳтиёжи» ҳақидаги таълимотининг моҳиятини ҳам англаб олишимиз мумкин. Зеро инсоннинг эркинликка бўлган доимий талабини унинг табиатидан, яъни бошқача айтганда, инсоннинг соф табиий эҳтиёжидан келиб чиқади. Шу боис, инсон эркинлигини таъмин этувчи ташқи ҳодиса - ҳуқуқни, Кант ўзига қадар бўлган файласуфлардан фарқли ўларок, инсон онгидан ташқарида объектив тарзда мавжуд бўлувчи ҳодиса сифатида эътироф этади. Чунки ҳуқуқ - эркинликни кўпчилик инсонлар орасида мавжуд бўлувчи муайян инсоннинг табиий ҳолатини таъминлаш, умумий мавжуд нарсалардан бошқа кишига эмас, фақат унга тегишли бўладиган нарсаларга эгаллик қилиш эркинлигини беради. Шу боис, эркинлик тушунчаси ва уни таъмин этувчи ҳуқуқ ҳодисаси бўлмаганида эди, инсон бирон моддий, шубҳасиз ақлий таянчга ҳам эга бўлмас эди.

Бироқ, агар Смит инсонларнинг шахсий эгоистик тафаккурлари фақат жамият учун умумий манфаат ва фаровонлик келтириши ҳақидаги «кўринмас қўл» таълимотини илгари сурган бўлса, Кант инсонларнинг ўз ақл-идрокларига таянган эгоизмга, яъни инсонларнинг шахсий манфаатлари бевосита бошқа инсонларнинг, умуман жамиятнинг ва, қолаверса инсониятнинг манфатлари билан узвий боғлиқ эканлигини англанишига умид боғлайди.

Шунингдек, Кантнинг қарашларидаги «инсоннинг эгоистик манфаати», Смитнинг фикрларига ўхшаш ҳолда, у бевосита «инсонларнинг ўзаро адоватига асослангандир» деган нуқтаи назарга таянади. Аммо ушуб қарашнинг ўзига хос жиҳати шундаки, Кантнинг таъкидлашича, адолатни исташ инсоннинг туғма хусусияти бўлиб, у инсоннинг ахлоқий қоидалар сари интилишида намоён бўлади. Инсон фақат уни интизомга солиб турувчи қатъий - императив таъсир остидагина табиий равишда ахлоқан раҳимдил бўлиши мумкин. Мана

шу қарашлар негизида Кант ўзининг асосий эътиборини инсонларнинг қонунларга қатъий амал қилишларининг ҳамда давлат тузилишининг фалсафий муаммоларига қаратади. Унинг фикрича, инсонлар жамоасининг табиий ҳолати - бу жамоада мажбур этувчи қонунларнинг мавжуд эмаслиги билан белгиланади. Бу шубҳасиз, инсонлар жамоасининг ёввойи ва эркинлиги жиловланмаган ҳолатидир. Ушбу ҳолат ҳар бир инсоннинг барча инсонлар билан, барчанинг бир инсон билан бўладиган уруши – курашидир. Бу албатта ахлоқ нуқтаи назаридан адолатсизликдан ўзга нарса эмас. Аммо ҳар бир инсоннинг барча билан урушига боғлиқ ҳолатни четлаб ўтиш учун, инсон фуқаровий жамиятга бирлашмоғи зарур. Мазкур жамиятнинг асосини эса, ҳар бир инсоннинг бир-бирига нисбатан тенглигини сўзсиз ўрнатувчи ҳуқуқ ташкил этмоғи лозим<sup>29</sup>.

Кант ҳуқуқ тушунчасини аниқлашга уринар экан, ҳуқуқнинг ўзи ғоя сифатида адолатли бўлмоғи лозим деб ҳисоблайди. Лекин ҳуқуқ, унинг эътирофича, эмпирик жихатдан ҳали бундай мақомга, даражага етиб келгани йўқ. Шу сабабли, адолатли ҳуқуқ ҳозирча, фақат идеал (тасаввурдагидек) ҳолатда қолмоқда. Кантнинг фикрича, идеал - бу тартибга солувчи (регулятив) принципдир. У инсониятдан шу қадар олис ва инсон қанчалик уринмасин, унга бу идеал ҳар доим ушалмас орзу бўлиб қолаверади. Кант бу идеалга ҳаётда эришини мумкин эмас деб ҳисобласа-да, аммо ўз асарларида эмпирик ҳуқуқни идеал ҳуқуққа яқинлаштиришни асосий мақсад қилиб қўйди. Кант ушбу масалаши «ўз билими ва маънавиятини авлоддан-авлодга етказувчи алоҳида индивидларнинг маданиятини ривожлантириш» йўли орқали ҳал этиш мумкин, деган хулосага келади. Зеро, Кант тушунчасида инсон – бу оламдаги энг муҳим предмет ҳамдир.

Шу билан бирга, Кант ҳуқуқ тушунчасини кенг (*jus latum*) ва тор маънога (*jus strictum*) ажратган ҳолда ўрганди. Мазкур қараш, ҳуқуқ тушунчасини «хусусий» ва «оммавий» ҳуқуқлар деб ажратишга жуда ўхшаса-да, лекин улар бир-бирига мос тушунчалар эмас. Негаки, биринчи ҳолатда, яъни кенг маънодаги ҳуқуқ, қонун томонидан мажбурият ва мажбурлов ўрнатилмаган ҳолда, фақат адолат ёхуд сўнгги заруратга асосланган бўлиши мумкин. Иккинчи тушунчада эса, ҳуқуқни амалга ошириш фақат қонунга асосланишни назарда тутаяди (ижтимоий тузилма маъносида).

Кантнинг табиий ҳуқуқ ҳақидаги фикрлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг ёзишича, табиий ҳуқуқ айнан эркинликка асосланади ва у ҳуқуқнинг ягона манбаидир. Зеро бу ҳуқуқ инсонга, унинг инсон зотидан эканлиги туфайли тегишлидир. Шунинг учун ҳар бири инсоннинг мустақиллиги унинг ўзига-ўзи хўжайин бўлиш ҳамда

бенуқсон инсон бўлиш (suī iuris) хусусияти билан белгиланиши мумкин<sup>30</sup>.

Бенуқсонлик хусусиятига ҳуқуқсизлик, яъни инсон учун ўз эркинлигини амалга оширишга тўсиқ қарама-қарши туради. Ҳуқуқий ва ноҳуқуқийлик «зиддият қонуниятига» биноан бир-бирига қарама-қарши тушунчаларни англатади. Ҳуқуқийликни амалга ошириш учун, ҳуқуққа зиён келтирувчи хатти-ҳаракатларга қарши мажбурлов ваколатини ўрнатиш зарурияти вужудга келади. Мана шу ваколат ҳуқуққа нисбатан мавҳум ташқи таъсир бўлмай, балки у айнан ҳуқуқнинг бевосита моҳиятини ташкил этади. Мажбурлов ваколоти - бу умумий мажбурловни ҳар бир кишининг эркинлиги билан уйғун ҳолда боғлаш деганидир<sup>31</sup>.

Кантнинг ҳуқуққа оид фалсафасининг ўзига хос жиҳати ҳам шундан иборатки, у ҳуқуқнинг моҳиятини бевосита мажбурият категорияси орқали очиб беради. Шунинг учун Кант мажбурият ва ваколатни муштарак ҳолда талқин этади. Ана шу қарашлардан шуни тушуниш даркорки, ҳуқуқ, Кантнинг назарида, авваламбор - бу эркинликдир. Уни таъмин этиш эса, фақат мажбурлов орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда мажбурлов салбий тушунча бўлмай, балки зарурий тушунча сифатида, фақат инсонлар ўртасидаги эркинликни адолатли тарзда тақсимлаш, бир инсоннинг бошқалар эркинлигига тажовуз қилишдан асраш тушунчасида англанишни ифода этади. Бу эса, қонуларнинг айнан мезони, уларнинг хусусияти, пақли - ижтимоий адолатни ўрнатишга, таъминлашга асосланиши лозимлиги ҳақидаги ақидани илгари суриш деганидир.

Шунга биноан, Кант ҳуқуқнинг мажбуриятга асосланган мазмунини очиб берилган қуйидаги қоидаларни ишлаб чиқди:

- ҳуқуққа риоя этувчи инсон бўл;
- ҳеч ким билан ноҳуқуқий тарзда муносабатда бўлма;
- ҳар кимнинг ўзига тегишли бўлганини асра<sup>32</sup>.

Кантнинг ҳуқуқий мажбуриятлар таълимоти, унинг ўзи таъкидлаганидек, инсонларнинг эркинликка бўлган олий ҳис-туйғуларга иқтидорли эканлиги билан бевосита боғлиқдир<sup>33</sup>.

Шунингдек, Кант тушунчасидаги табиий ҳуқуқнинг асосий сифатларидан бири - ҳуқуқий тенглик тушунчасига тегишли. Унинг фикрича, табиий ҳуқуқдан ҳуқуқий тенглик ҳолати вужудга келади. Тенглик ҳуқуқда мавжуд бўлган «тенг меъёр» бошловининг амалга оширилишини англатади. Мазкур «тенг меъёр» ёки «ҳуқуқий тенглик»ни фақат нормативликка йўйиш хато бўлар эди. Негаки, ушбу ҳуқуқий сифат ҳуқуқнинг инсонлар ҳаётидан эквивалентлик (яъни ўзаро мослик), жавобгарлик масъулиятини тенг шароитда ва тенг ҳажмда

бажариш, тортишувчилик ҳамда бошқа шу каби юридик принципларни қатъий юридик категориялардан ўрин олишига йўналтирилганлигини акс эттиради.

Шу боис, либерал шароит ривожланган мамлакатларнинг энг муҳим ютуғи ҳам – бу ижтимоий муносабатларда изчил ҳуқуқий тенгликнинг ўрнатилганлиги билан ифода этилади. Боз устига, ушбу тенглик барча жамият аъзоларининг оммавий қонунларга сўзсиз итоат этишлари ҳамда бирон шахснинг ҳуқуқий устунликка эга бўлмаслигида намоён бўлади<sup>34</sup>.

Шу билан бирга, кишилар ўртасидаги мукамал тенглик ўзида фаол унсурларни мужассам этади. Бундай унсурлар, Кантнинг фикрича, иккитадир.

**Биринчиси**, жамият аъзоларининг ҳар бири, фуқаро сифатида жамоанинг ҳар қайсисига нисбатан бир ҳилда «мажбурлов ҳуқуқи»га эга, яъни замонавий тилда баён қилганда, тенг равишда ҳуқуқий баҳсни ҳал этувчи тизим, аниқроғи – суд орқали юридик даъво юритиш ҳуқуқига эга.

**Иккинчидан**, тенглик – ҳар бир жамият ўз аъзоларига уларнинг иқтидори, кучи ва омадига асосланган ҳолда, жамоа ҳаётининг муайян даражасига эришиш учун тўлиқ имконият яратиб бериши зарур<sup>35</sup>.

Кантнинг шу қарашлари Адам Смитнинг «инсон фаолиятининг табиий ҳолатини бузмай, унинг ўз ҳолига қўйиб бериш, уни ўз мақсадларига етишиш ҳамда шахсий ҳаётий лойиҳаларига эришиш учун эркинлик бериш зарурлиги» тўғрисидаги фикрларига мос келади. Аммо Кант Смитнинг мана шу ғоясидаги ахлоқий-ҳуқуқий моҳиятни очиб берди.

Ҳуқуқни соф юридик жиҳатдан талқин этиш билан бирга, Кант унинг фалсафий-метафизик асосларини ҳам очишга ҳаракат қилади. Унинг ёзишича, агар эмпирик-ҳуқуқшунослар «ҳуқуқ нима?» деган саволга жавоб беришини сўрасангиз, ундан «ҳуқуқ – бу, мамлакатда ҳокимият иродаси билан қабул қилинган қонунлар йиғиндисидир», деган мазмундаги тавтологик сийқаси чиққан жавобни оласиз. «Ана шу қонунлар ҳуқуққа мос келадими?» деган аниқловчи савол, уни бир-оз эсанкиратиш қўйиши мумкин. Шу сабабли, Кантнинг таъбирича: фалсафий ёндошувдан маҳрум бўлган ҳуқуқ ҳақидаги соф эмпирик таълимотни «бош»га таққослаш мумкин. Бу бош жуда ажойиб бўлиши, аммо, афсуски, у бўм-бўш бўлиши ҳам мумкин<sup>36</sup>.

Мазкур таҳлил асосида Кант ўзининг фалсафий-метафизик негиздаги ҳуқуқнинг муҳим тушунча ва муаммоларини мушоҳада этади. Ҳуқуқнинг «ижобий» ва «табиий»га бўлинишини маъқуллаган ҳолда, Кант «табиий ҳуқуқ»ни мутлақо янги мазмунга эга бўлган ҳамда унинг

фалсафий тизимига хос бўлган тушунчалар билан таърифлашга ҳаракат қилди. У «табиий ҳуқуқни» айнан, фақат априори принцилга асосланган амалий ақлнинг хусусияти сифатида англашга уринади. Бу албатта муайян илмий асосга эга бўлиб, Кантнинг табиий ҳуқуқ ҳақидаги қарашларини ўша даврдаги ҳуқуққа оид натуралистик ёндошувларга зид таълимот тарзида юзага олиб чиқди.

Ижобий ҳуқуқнинг аса, бор-йўғи конун чиқарувчилар ихтиёрига кўра келиб чиқишини Кант таъкидлаб ўтади.

Табиий ҳуқуқни Кант «хусусий» ва «оммавий» ҳуқуқ деб иккита ажратар экан, «хусусий ҳуқуқ» доирасига у инсонлар томонидан «ташқи нарса»ларнинг тасарруф этилиши ҳақидаги тушунчаларни киритади. «Хусусий ҳуқуқ» асосида инсонлар у ёки бу ашёга шахсий, индивидуал эгалик қиладилар, оқибатда «меники» ва «сеники» тушунчалари юзага келади. Кант таъкидлаганидек, «ашёни фақат уни ўзиники сифатида эгалик қила олиши ҳақида айта оладиган кишиларгина тасарруф этиши мумкин»<sup>37</sup>. Шунга биноан, ҳар бир ашёни ўз ихтиёрича тасарруф этишдаги объектив мавжуд бўлган «меники» ва «сеники» тушунчалари – бу амалий ақлга оид априори тасаввурдир.

«Менинг ихтиёримдаги нарсалар» тушунчасининг Кант томонидан – «менинг ихтиёримдан ташқаридаги жисмий ашёлар», «бошқалар ихтиёри» ва бошқаларнинг менга муносабати каби турларга ажратилиши – Кант фикрича, субстанция, сабабийлик ва ҳамжихатлилик категорияларига асосан «мен ва ташқи ашёларнинг эркинлик қонуниятлари асосидаги муносабати ташқи эътибор»<sup>38</sup>. Қайд этиб ўтилган ҳолатдан шуни тушуномқ лозимки, «хусусий ҳуқуқ» ўзининг қатъий маъносида фақат «омма ҳуқуқи» мавжуд бўлганидагина амалга ошириши мумкин. Худди мана шу ҳуқуқдаги имманент мавжуд бўлган эҳтиёж пойдеворида Кант ўзининг ҳуқуқий-метафизик ғоясини асослайди. У айнан «хусусий ҳуқуқ»дан «омма ҳуқуқи»га ўтиш асосида инсониятнинг «табиий» ҳолатидан «фукаровий-ҳуқуқий» ҳолатига ўтиш зарурияти билан таққослайди. Кантнинг яна ёзишича, хусусий ҳуқуқдаги ҳолатдан омма ҳуқуқининг асосий тушунчаси бўлган «сен бошқа барча инсонлар билан яшашга ва улар билан муносабатда бўлишга мажбурлигинг туфайли, табиий ҳолатдан ҳуқуқий ҳолатга ўтишининг лозим», деган тушунча келиб чиқади. Кантнинг мазкур ёндошуви юридик тафаккурдаги энг ёрқин ҳамда энг юксак ғоя тимсоли сифатида сақланиб қолади<sup>39</sup>.

Шундан сўнг, Кант «омма ҳуқуқи» тушунчасини шарҳлашга ўтади. «Омма ҳуқуқи» – бу жамиятда (жамоада) ҳуқуқий ҳолатни вужудга келтириши учун эълон қилиниши лозим бўлган конунлар тўпламидир. Бу аниқловнинг асосида ҳуқуқий жиҳатдан расмийлашган

давлат ҳокимиятига эга бўлган жамият тушунилиши мумкин. Бу борада Кант шундай деб ёзган эди: «Омма ҳуқуқи, ихтиёр асосида кўпчилик инсонларни халқ қилиб бирлаштирувчи ва халқнинг таркибида айнан шу ихтиёр ҳолатига эга айрим индивидларнинг мавжудлиги – фуқаровий (*status civilis*) деб, аъзоларига нисбатан уларнинг жами давлат (*civilis*) деб аталади».

Кантнинг ҳуқуқий метафизикасидаги шу ва бошқа қарашларда ҳуқуқнинг давлатга нисбатан бирламчи эканлигини кўриш мумкин. Ҳуқуқнинг бирламчилиги Кант қатъий эътироф этган «жамоат сулҳи» ақидаси билан ҳамоҳанг ҳолда, «ҳуқуқий идеализм» деб номланади<sup>40</sup>.

Кант «омма ҳуқуқи»ни: 1) **давлат ҳуқуқи**; 2) **халқаро ҳуқуқ** ҳамда 3) **космополитик ҳуқуқ**, деб уч турга ажратади. «Космополитик ҳуқуқ» деганда у ҳар бир инсоннинг дунёдаги барча инсонлар билан «муомилага киришиш» ҳуқуқини назарда тутади.

Кант тасаввуридаги «давлат ҳуқуқи» тушунчаси, моҳиятан жамиятдаги сиёсий тузумнинг муайян ҳуқуқ принциплари асосида ташкил этилганлигини англатади.

Француз маърифатпарварлари Ж.Ж.Руссо, Монтаскье ва бошқалардан фарқли ўларок, Кант давлат тузумига баҳо беришда утилитар, фойдалилик нуқати назаридан ёндошиш ҳамда эвдемонологик (яъни, ахлоқни талқин этиш ва асослаш принциплари ҳақидаги таълимот, унга биноан бахт инсон ҳаётининг энг олий мақсади ҳисобланади) ёндошувлардан воз кечади, негаки, унинг фикрича, бу икки қараш ҳам тубдан эмпирик ёндошувлардир. Шу боис Кант, бу масалага юридиклашган априори рационалиزمни нуқтаи назаридан ёндошади. Шунга биноан, давлатнинг такомиллашуви тушунчаси остида Кант «фуқароларнинг баҳти ва фаровонлиги» тушунчасини эмас, балки «давлат тузумининг ҳуқуқ принциплари билан энг юқори даражадаги мослиги» тушунилиши лозим<sup>41</sup>. Бундай мосликни Кант, давлат томонидан фуқароларга мутоқат тегшли бўлган уч ҳуқуқий атрибутнинг ҳурмат қилиниши ва уларга кенг шароитлар яратиб берилишида деб билади. Ушбу «ҳуқуқий атрибутлар»: а) *қонунга асосланган ҳар бир инсоннинг эркинлиги*; б) *фуқаролар тенглиги*; в) *фуқароларнинг мустақиллигидан иборат*<sup>42</sup>. Кантнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ғоялари айнан мана шу атрибутлар асосида мужассамлашади.

Кант давлатнинг инсонлар жамиятидаги ўрни масаласида ҳам ўз қарашларини изҳор этиб, унда асосан сиёсий ҳокимиятнинг моҳияти, хусусияти ҳамда заруриятининг муҳим жиҳатларини таҳлил этади. Кантнинг нуқтаи назарича, сиёсий ҳокимиятсиз ҳуқуқий фуқаровий жамиятга эришиб бўлмайди. Шу сабабдан сиёсий ҳокимият инсонлар жамияти учун жуда зарурий нарсадир. Бирок, сиёсий ҳокимиятни

ташкил этиш - энг жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Зеро ҳокимият доимо адолатли, шунингдек у жамият аъзоларига тегишли бўлмоғи лозим. Аммо бу идеал ҳолатга, Кантга кўра, аввал эътироф этилганидек, ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Негаки, инсон ўзи кабилар билан ҳаёт кечирар экан, у албатта «хўжайинга» (ҳукмдорга, бошлиққа) муҳтождир. Бирок инсонлар устидан фақат инсон ҳукмдор бўлиши мумкин. Ўз навбатида, ушбу инсон-ҳукмдор, ўзининг бошқа яна бир ҳукмдорига, бу ҳукмдор эса, яна бошқа ҳукмдорга муҳтождир. Шу боис, бу ҳолат чексиз давом этаверади<sup>42</sup>.

Кантнинг асосий орзуси бутун дунё фуқаровий жамиятини яратишдан иборат эди. Зеро, унинг фикрича, давлатлар ўртасидаги мавжуд чегараларга ҳамда мамлакатлардаги турли ижтимоий шарт-шароитларга қарамай, инсонлар ўз табиий эркинлигига таянган ҳолда ҳаёт кечиришга ҳақлидирлар. Бу масалада Кант ўзининг «Прагматик нуқтаи назардаги антропология» («Антропология с прагматической точки зрения», 1798й.) асарида, физиологик одамшунослик инсонни табиати томонидан қандай ривожланиши билан боғлиқ тадқиқотни назарда тутса, прагматик тадқиқот эркин ҳаракатга лойиқ жонзоднинг ўзи нима қилиши, нима қила олиши ёки нима қила билиши мумкинлигини ўрганишини таъкидлаб ўтади. Шу боис, Кантни бу масалада фақат прагматик антропология қизиқтириб, у бундай тадқиқот инсоннинг бутун дунё фуқароси, яъни умумий ҳуқуқий фуқаровий жамиятнинг фуқароси сифатида ўрганилганидагини амалга оширилиши мумкинлигини эътироф этади. Ўз навбатида, агар биз инсоннинг ўз-ўзини англашга, унинг табиий имкониятларини ҳамда иқтидорини билишга қодир инсонларни тарбиялай олмасак, бундай жамиятга эришиш биз учун имконсиз ишдир, деб ёзади буюк файласуф.

## ХУЛОСА

Нима учун А.Смит ҳам, И.Кант ҳам жамият фаровонлигини, кўрт тинчлигини, инсон камолини айнан эркинликда деб билдилар? Нима учун бу икки даҳо турли мамлакатларда яшаб, турли шароитларда илмий хулосалар чиқарган бўлсалар-да, лекин уларнинг бекиёс тафаккурлари барча ижтимоий ускуртамалар айнан бир категорияга – инсонга тегишли эркинлик пойдеворига қурилиши лозимлиги ҳақидаги мурожаат билан чиқдилар? Негаки, XVIII асрга келиб, инсоният эришган иқтисодий, маънавий-руҳий юксалиш – Европа аҳолисини азоб-уқубатга солиб келган феодал муносабатлар истибдодидан, ўрта аср инквизициясининг адолатсизлигидан, диний-догматик мафкура босимидан халос бўлишнинг натижаси эди. Шу билан бирга, улар, ҳар қандай ақидавий таълимот инсониятга бахт келтирмаслигини, балки муқаррар тутқинликка ва исканжага солишини ўз кўзлари билан кўрдилар. Шунингдек, Смит ҳам, Кант ҳам тутқунлик ва ғоявий қўлликдан озод бўлган инсон қай даражада ўз турмушини ташкил эта олишини, бу орқали, жамиятнинг турмушини фаровонликка етакловчи куч бўла олишини ҳис этдилар. Смит айтганидек, ҳар қандай жамиятнинг асосий бойлиги – бу инсон эркинлигидир. Эркинлик эса, Кантнинг тафаккурида, кўпчилик инсонлар ўртасида мавжуд бўлувчи муайян инсоннинг табиий ҳолатини таъминлаш, умумий мавжуд нарсалардан бошқа кишига эмас, балки фақат унга тегишли бўладиган нарсаларга эгалик қилиш ҳуқуқини беради.

Бу икки буюк аллома ўзлари жуда ҳурмат қилган, севган инсонларнинг мислсиз табиий уммонда инсон номига ҳос равишда ҳаёт кечиришларини, бу уммонда ўз ўринларини топишларини жуда ҳам истаган эдилар.

Рисолага яқин ясар эканмиз, иқтисодчи олим Д.Лавоянинг жуда ажойиб ва асосли фикрини келтириб ўтишни лозим деб тоншик. У шундай деб ёзади: «Сўз эркинлиги – инсоннинг интеллектуал такомиллашувини юргизувчи кучдир. Иқтисодий ривожланишни юргизувчи куч эса – эркин иқтисодий ҳаракатланишдан иборат. Давлатнинг асосий функцияси – бозор иқтисоди гуллаб-яшнаши мумкин бўлган шарт-шароитларни таъминлаш ва уни асраб-авайлашдир. Зеро, гуллаб-яшнаш бу ижодий жараён бўлиб, ҳеч қачон бир ғояга боғлиқ бўлиб қолиши мумкин эмас»<sup>44</sup>. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам, айнан мана шу тамошларни ижтимоий ҳаётимизга жорий этишга йўналтирилгандир.

## Примечания

- <sup>1</sup> И.Кант. Сочинение. –М.: 1965. Т.4. ч.2. -С.237.
- <sup>2</sup> Кант И. Кайд этилган асар. 4т., 1-чи қ. – 272 б.
- <sup>3</sup> Аммо Смитнинг назарий қарашларини тушуниш учун, унинг биринчи «Маънавий ҳис-туйғулар назарияси» китобига мурожаат қилиш лозим. Чунки Смит айнан шу китобда ўзининг иктисодий назариясининг фалсафий ва этик жиҳатларини очиб беради. Бу китобда инсоннинг табиати ва адолат тўғрисидаги, эркинлик ҳамда ахлоқий бурчлар, кишилар ва жамият ҳаётидаги моддий манфаатнинг ўрни ва аҳамияти ҳақидаги ғоялар ўрин олган. Мана шу фалсафий ҳамда этик таълимотнинг марказидан инсонга ишонч ҳамда бу ишончни унинг эркинлиги билан уйғун ҳолда тушуниш зарурлиги ҳақидаги қарашлар жой эгаллаган.
- <sup>4</sup> Антология экономической классики. –М.: 1993. Т.1. С.91.
- <sup>5</sup> Адам Смит. Исседование о природе и причинах богатства народов. -М.-Л.: 1931. С.416.
- <sup>6</sup> Адам Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. - С.420.
- <sup>7</sup> Адам Смит. Кайд этилган асар. - 427 б.
- <sup>8</sup> Адам Смит. Ўша асар. - 427 б.
- <sup>9</sup> Адам Смит. Кайд этилган асар. - 405 б.
- <sup>10</sup> Аникин А. Адам Смит. Жизнь замечательных людей (серия биографий). -М.: 1968. - С.52.
- <sup>11</sup> Адам Смит. Кайд этилган асар. - 428 б.
- <sup>12</sup> Шашков Н.И. Кант и «этический социализм». –Свердловск: 1975. - С.17.
- <sup>13</sup> Кант И. Сочинение. Т.3. - С.106-107.
- <sup>14</sup> Кант И. Сочинение. Т.3. - С.107.
- <sup>15</sup> Шашков Н.И. Кант и «этический социализм», - С.18.
- <sup>16</sup> Шашков Н.И. Кайд этилган асар. – 18 б.
- <sup>17</sup> Шашков Н.И. Кайд этилган асар. - 30 б.
- <sup>18</sup> Кант И. Сочинение. Т.3. - С.354.
- <sup>19</sup> Кант И. Сочинение. Т.3. - С.217.
- <sup>20</sup> Кант И. Кайд этилган асар. - 162, 336,338 бетлари.
- <sup>21</sup> Кант И. Сочинение. Т. IV. ч.2. - С.119-120.
- <sup>22</sup> Кант И. Ўша асарнинг IV т. 1 қ. -444 б.
- <sup>23</sup> Кант. Сочинение. Т.1. - С.106.
- <sup>24</sup> Шашков Н.И. Кант и «этический социализм». - С.63
- <sup>25</sup> Кант И. Сочинение. Т. 4. Ч. 2. - С.147.

<sup>26</sup> Агар Кантнинг ҳуқуқий метафизика иборасида назарда тутилган маънони аниқлайдиган бўлсак, шуни таъкидлаш жойизки, Кант бу тушунча остида ҳуқуқий асосига оид юқори даражадаги ҳис-туйғудаги ўзининг фикрларини жамлайди. Ушбу асосларнинг негизида эса, соф аклий (рационал) тажриба ёрдамида англамайдиган, яъни эмпирик бўлмаган, балки фақат ақлда мавжуд бўладиган асослар назарда тутилган.

<sup>27</sup> Кант И. Сочинение. Т.6.С.9.

<sup>28</sup> Кант И. Сочинение. Т.6. С. 11

<sup>29</sup> Кант И. Сочинение. Т.4. Ч.2. - С.80.

<sup>30</sup> Кант И. Сочинение. Т.4, ч.2, С. 147.

<sup>31</sup> Кант И. Сочинение. Т.4. Ч.2. - С.141.

<sup>32</sup> Кант И. Сочинение. Т.4. Ч.2. - С.146

<sup>33</sup> Кант И. Сочинение. Т.4. Ч.2. - С.149.

<sup>34</sup> Алексеев С.С. Самое светое, что есть у бога на земле. М., 1998, С.110.

<sup>35</sup> Кант И. Сочинение на немецком и русском языках. Т.1. М., 1994, С.289.

<sup>36</sup> Кант И. Сочинение. Т.4. Ч.2. – С.139.

<sup>37</sup> Кант И. Ўша асар. – 157 б.

<sup>38</sup> Кант И. Ўша асар. – 157 б.

<sup>39</sup> Кант И. Сочинение. Т.4. Ч.2. – С.226.

<sup>40</sup> Кузнецов В.Н. Философия права Иммануила Канта //Вестник МГУ. Серия 7. Философия. 1999, №3, С.25.

<sup>41</sup> Кант И. Ўша асар. – 239-240 б.

<sup>42</sup> Кант И. Ўша асар. – 235 б.

<sup>43</sup> Кант И. Сочинение. Т. 6. – С.146.

<sup>44</sup> Агапова И.И. История экономической мысли. – М.: 1998. – С.186.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва қафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш – фаровонлик пойдевори. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. Т.9. 3-45 б.
3. Адам Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.-Л.: 1931.
4. Агапова И.И. История экономической мысли. – М.: 1998.
5. Алексеев С.С. Самое святое, что есть у бога на земле. Произведения И.Канта о праве. – М.: «Норма», 1998.
6. Аникин А. Адам Смит. Жизнь замечательных людей (серия биографий). – М.: 1968.
7. Антология экономической классики. В 2-х т. – М.: 1993.
8. Кант И. Сочинение. В 6-ти т. – М.: 1965. Т.4, 6.
9. Кант И. Сочинение. На немецком и русском языках. – М.: 1994. Т.1.
10. Кузнецов В.Н. Философия права Иммануила Канта / Вестник МГУ. Серия 7. Философия. - №3. – 1999.
11. Шашков Н.И. Кант и «этический социализм». – Свердловск: 1975.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	5
АДАМ СМИТНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ .....	10
ИММАНУИЛ КАНТНИНГ ҲУКУКИЙ ҚАРАШЛАРИ .....	19
ХУЛОСА .....	32

## БОЗОР ВА ХУКУК

АДАМ СМИТ ВА ИММАНУИЛ КАНТ: НАЗАРИЙ  
ҒОЯ ВА ҚАРАШЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Илмий-назарий рисола

Илмий муҳаррирлар: проф. К.Норматов  
Муҳаррир: М.Ахмедов  
Компьютерда саҳифаловчи: Ж.Алиқулов  
Ризографда чоп этувчи: А.Акименко

© ЎзР ФА И.Мўминов номидаги  
фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёт бўлими  
Шартли босма табоқ 2,5.  
Буюртма рақами  
Адади 150 нусха  
Баҳоси келишилган нарҳда

ЎзР Ф.А. И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ  
институти ризографида чоп этилди.  
Манзил: 700170, Тошкент шаҳар, Мўминова кўчаси, 9-уй.

